

# **Күйдирги касаллигининг олдини олиш бўйича кўргазмали маҳсус-тактик ўқув машқи ўтказилди**



Термиз туманида Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг тегишли кўрсатмаси билан туман Фавқулодда вазиятлар бўлими, тиббиёт бирлашмаси, ветеринария, санитария соҳаси ва туман Ободонлаштириш бошқармаси вакиллари иштирокида «Кўйдирги касаллигининг мавжуд табиий ўчоқларидан касаллик келиб чиқишининг олдини олиш ва касаллик тарқалганда ФВДқТ тегишли хизматларининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари» мавзусида кўргазмали-тактик ўқув машқи бўлиб ўтди.

Тадбирнинг кириш қисмida сўзга чиқсан масъуллар кўйдирги касаллиги ва унинг тарқалишини келтириб чиқарувчи табиий ўчоқлар ҳамда фавқулодда вазият содир бўлганда қандай ҳаракатланиш тартиблари ҳақида ахборотлар беришди.

Ўқув машқида кўйдирги касаллигининг тарқалишини олдини олиш, табиий ўчоқларда касаллик аниқланганда куч ва воситаларнинг ҳамкорликдаги ҳаракат машқлари кўргазмали тарзда намойиш этилди ва умумий машғулотлар ўтказилди.









